

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ИЙЛ ЧИҚИШИ

№ 248 (4239).

18
ДЕКАБРЬ

ПАЙШАНБА
1969 ИЙЛ

Баҳоси 2 тийин

ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШ- ЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

В. И. Ленин тугилган куннинг 100 йиллигига бағишланиб, Тошкент районларида ўтказилган илмий-назарий конференцияларда пойтахт олимлари ва мутахассислари, партия ва совет ходимлари, пропагандистлар ва агитаторлардан мингдан ортқ киши қатнашди. Бу конференцияларни Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти билан республика «Билим» жамияти фалсафий билимларни пропаганда қилиш секцияси ташкил этди. Ҳамза, Киров ва Чилонзор районларида ўтказилган «Ленин-марксизмнинг улуг назариячиси», «Ленин ва фан» мавзуларидаги конференциялар аниқса активлик билан ўтди. Докладларда Владимир Ильич Ленин томонидан марксизм фалсафасининг ривожлантирилиши, буржуа идеологиясини танқид қилиш масалалари батафсил ёритиб берилди.

Область марказларида ҳам ана шундай илмий-назарий конференцияларни ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

17 ДЕКАБРДА ЕТТИНЧИ ЧАКИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИ МОСКВАДА КАТТА КРЕМЛЬ САРОИДА ЎЗ ИШНИН ДАВОМ ЭТТИРДИ.

ЭРТАЛАБ СОАТ 10 ДА МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСИ БОШЛАНДИ. МИЛЛАТЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ УРИНБОСАРИ ДЕПУТАТ М. А. АБДУЛЛАЕВА РАИСЛИК ҚИЛАДИ.

ДЕПУТАТЛАР ВА МЕХМОНЛАР А. Н. КОСИГИН, А. Я. ПЕЛЬШЕ, А. Н. ШЕЛЕПИН, В. П. МЖАВАНДЗЕ, Ш. Р. РАШИДОВ, Д. Ф. УСТИНОВ, Б. Н. ПОНОМАРЕВ УРТОҚЛАРНИ САМИМИЙ КУТИВ ОЛИДЛАР.

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИ ПЛАН-

БЮДЖЕТ КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ ДЕПУТАТ К. М. ГЕРАСИМОВ СССР ХАЛҚ ХУЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1970 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ, СССРНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА 1968 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДАГИ ҲИСОБОТ ТУҒРИСИДА ПЛАН-БЮДЖЕТ ҲАМДА ТАРМОҚ КОМИССИЯЛАРИНИНГ НОМИДАН ҚУШИМЧА ДОКЛАД ҚИЛДИ.

ШУНДАН КЕЙИН СССР ХАЛҚ ХУЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1970 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ БИЛАН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДОИХАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНА БОШЛАНДИ.

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

17 ДЕКАБРЬ КУНДУЗ СОАТ 3 ДА СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ИТТИФОҚ СОВЕТИ РАИСИНИНГ УРИНБОСАРИ ДЕПУТАТ Б. Е. ПАТОН РАИСЛИГИДА ИТТИФОҚ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСИ БОШЛАНДИ.

Г. И. ВОРОНОВ, А. П. КИРИЛЕНКО, К. Т. МАЗУРОВ, Н. В. ПОДГОРНИЙ, М. А. СУСЛОВ, П. Е. ШЕЛЕСТ, Ю. В. АНДРОПОВ, В. В. ГРИШИН, Д. А. КУНАЕВ, В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ, И. В. КАПИТОНОВ, К. Ф. КАТУШЕВ, Ф. Д. КУЛАКОВ, М. С. СОЛОМЕНЦЕВ УРТОҚЛАРНИ МАЖЛИС АҲЛИ ВА МЕХМОНЛАР САМИМИЙ КУТИВ ОЛИШДИ.

СССР ХАЛҚ ХУЖАЛИГИНИ

РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1970 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ, СССРНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА 1968 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДАГИ ҲИСОБОТ ТУҒРИСИДА ИТТИФОҚ СОВЕТИ ПЛАН-БЮДЖЕТ КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ ДЕПУТАТ П. А. РОЗЕНКО ПЛАН-БЮДЖЕТ ВА ТАРМОҚ КОМИССИЯЛАР НОМИДАН ҚУШИМЧА ДОКЛАД ҚИЛДИ.

ШУНДАН КЕЙИН СССР ХАЛҚ ХУЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1970 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ БИЛАН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДОИХАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНА БОШЛАНДИ. СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ БУГҮН ЎЗ ИШНИН ДАВОМ ЭТТИРАДИ.



ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Беш йилликнинг тўртинчи йилини катта ютуқлар билан янгилаш ҳамда пролетариатнинг дохилси В. И. Лениннинг туғилган кунига 100 йил тулишини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилмаган биронта коллектив йўқ.

Мана, шу социалистик мусобақада қатнашадиган, гайрат-гайрат қўшиб меҳнат қилаётган Ўрта Чирчиқ районидagi Акмал Икромов номи хўжалик пахтакорлари ҳам бу йилги об-хаво қийинчиликларини мардонавор енгиб, маррага етганликларини ҳақида ғалаба рапорти беришди.

Улар тайёролов пунктларида 2100 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб бердилар.

Колхознинг бу улкан хирмонига айрим бригадалар ва эвенолар муносиб ҳисса қўшдилар. Гектарларнинг тўла бўлишини

таъминлаб, ҳар бир туп ғўзани авайлаб парвартиш қилган, талабига қараб қондириб сугоришга эришган Аҳмад Турғунбоев бошлиқ эвено аъзолари йиллик планни 121 процент, Нуъмон Турдубоев бошлиқ 1-эвено аъзолари эса 114 процент бажаришга эришдилар. Шунингдек, ғўлом Беғалиев бошлиқ эвено аъзолари 112 процент, Сафарали ва Қудрат Соатовлар бошлиқ эвенолар 110 процентдан адо этдилар.

Етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда механик-ҳайдовчиларнинг кизмати катта бўлди. «Зангори кема» капитанларидан Хайдар Бойтуллаев, Ориф Ташев, Элам Эшонкулов, Тожи Соатова каби ўртоқлар мавсум нормаларини анча ошириб бажардилар.

Колхоз пахтакорларининг маррага муддатидан илгари етиб келишига илгор теримчилардан София Машарова, Тур-

суной Хойтанова, Оппоқ Жуманова каби қатор ўртоқлар муносиб ҳисса қўшдилар. Уларнинг ҳар бири мавсумда хирмонга ўз этакларидан 5000—6000 килограммдан ошириб пахта тўкишди.

Колхозда шу кунларда пахтани йиғиб-териб олиш билан бирга келгуси йилги мўл ҳосил учун ҳам кизгин кураш бошланган. Ғўзаноиси тозалаб олинган майдонлар пешма-пеш шудгор қилинапти.

„ПРАВДА“ЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

Беш йилликнинг тўртинчи йили муваффақиятли якунланган бугунги қувончли кунларда колхозимиз пахтакорлари катта маррани эгалладилар. Зиммаларидаги масъулиятли вазифани ўз вақтида ўриштириб, эл хирмонига мўлжалдагидан ошириб «оқ олтин» тўкдилар. Ҳозиргача давлат топирилган пахта 4421,5 тоннадан ошди кетди.

Деҳқонларимиз йил бошидан юппей ваҳтасида туриб меҳнат қилиб бу йил ҳар йилгидан мўл ва сифатли пахта етиштиришни кўзлаб иш юритдилар. Баҳор қийинчиликлари пахтакорларимизнинг кўрсатган катта гайрат ва жасорати туфайли мардонаворлик билан енгилди. Хўжалигимиздаги ҳар бир бригадга ва эвено бу йилги шарафда пахтадан мўл ҳосил етиштиришга алоҳида эътибор бергани ҳолда астойдил меҳнат қилди. Бугун эз бўйи ҳар бир туп ниҳонинг серравж, серҳосил бўлиб етилиши учун агротехник тадбирлар ўз вақтида кўрилди.

Деҳқонларимизнинг жасорат кўрсатиб қилган меҳнатлари самарали якунланди. Майдонларда етиштирилган ҳосил мўлкалдагидек бўлиб чиқди. Колхозимизнинг К. Қўшмонов, Кан Анатолий, Сон Алексей, М. Мингбоев каби бригадга далаларида пахтадан мўл ҳосил кўтарилди. Бу бригада азаматлари йил боши-

дан ҳар гектар ердан 34 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллаган бўлсалар, нузга келиб уларнинг гектар бошига олган ҳосили 36 центнерга етди.

Пахта йиғим-терими ишлари колхозимизда тез суръатлар билан олиб борилди. Хўжалигимиз деҳқонлари механизатор ва мутахассислари йиғим-теримни қисқа фурсатда тугаллаш учун бор куч ва техникадан самарали фойдаландилар. Натияжада йиғим-теримда бирмунча муваффақиятларга эришдик.

Пахта теримини тез тугаллаш борасида механик-ҳайдовчиларимиздан Пак Петр, Пой Андрей, Талгат Гинатуллин ва мохир теримчилардан Айтул Тўхтарова, Рукия Холдирова, Нишонгул Ражаббевлар алоҳида намуна кўрсатдилар.

Колхозимизга пахта йиғим-теримида яқиндан ёрдам берган мактаб ўқувчилари, шахарлик ҳашарчи меҳнаткашларга йиллик план бажаришдан бугунги кунда катта раҳмат айтмамиз. Уларнинг сидқидилдан берган ёрдами туфайли даладаги бор ҳосилни йиғиштириб олишга муваффақ бўлдик.

Хўжалигимиз деҳқонлари пахта билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари бўйича ҳам зиммаларидаги мажбуриятни бажардилар. Давлатга қанчол сотиш плани

шу кунгача 111,5 процент, ғалаба, сабабот, гўшт, жуи топириш планлари эса 100 процентдан ошириб адо этилди.

Бу йил 1489 гектар ерда деҳқончилик қилган пахтакорларимизнинг ҳозиргача кўтарган ҳосили гектар бошига 29,7 центнердан тўғри келди. Ҳозирги кунда далада янада уюшқонлик намунасини кўрсатиб ишлаётган колхозчиларимиз айин икки-уч кун ичида бутун ҳосилни йиғиштириб олиш ва ҳосилдан бўшаган майдонларни қисқа муддатда шудгорлаш учун бутун чора-тадбирларни кўришмоқдалар. Пахта майдонлари пешма-пеш шудгордан чиқаришмоқда. Механизатор ва тракторчиларимиз бу муҳим агротехника тадбирини ҳам ўз вақтида тугаллаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Янгидан-янги зафарларга эришадиган пахтакорларимиз, чорвадор ва ғаллакорларимиз келатган улуг йил — Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини нишонлаш йилида ҳам катта муваффақиятларини қўлга киритадилар.

И. А. ПОП,

Юқори Чирчиқ районидagi «Правда» колхозининг раиси.

Г. Б. ЮГАЙ,
партия ташкилотининг секретари.

МОСКВА, КРЕМЛЬ. 1969 йил 16 декабрь. Еттинчи чакириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессияси. Миллатлар Совети ва Иттифоқ Советининг қўшма йиғилиши.

Ю. Скуратов ва А. Степанов фотоси. («Известия» дан).

356.000

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА
ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ
ТУҒРИСИДА 17 ДЕКАБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

Оққўрғон	—	105,23
Янгийул	—	103,00
Оржоникидзе	0,02	100,75
Юқори Чирчиқ	0,05	93,58
Ўрта Чирчиқ	0,08	80,48
Бекобод	0,12	84,92
Бўна	0,21	83,33
Область бўйича	0,08	93,93


тонна угун

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ
ТУҒРИСИДА 17 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

(Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида).

Калинин	2,7	107,8	Оққўрғон	4,2	72,9
Оржоникидзе	1,4	105,2	Ўрта Чирчиқ	3,8	72,5
Бўстонлиқ	—	91,0	Бўна	3,1	57,5
Янгийул	4,2	89,3	Бекобод	5,0	48,6
Юқори Чирчиқ	0,6	81,8	Область бўйича	3,5	72,8



ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОВ НОМИ КОЛХОЗ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ ТЕХНИКА РЕМОНИГА ҲОЗИРДАН КИРИШИП КЕТДИЛАР. УЛАР ТРАКТОР ВА МАШИНАЛАРИНИ СИФАТЛИ РЕМОНТДАН ЧИҚАРИШ УЧУН ҲАРАКАТ ҚИЛИШМОҚДА. СУРАТДА: КОЛХОЗНИНГ ТАЖРИБОЛИ МЕХАНИЗАТОРИ Ш. ЎРЗОВ СЕЛКА ҚИСИЛАРИНИ КЎЗДАН КЕЧИРМОҚДА. Б. ЛИТВИНОВ ФОТОСИ.

КОЛХОЗ МАРРАГА ЕТДИ

БҲКА РАЙОНИДАГИ ЙИРИҚ ХЎЖАЛИКЛАРДАН БИРИ КАЛИНИН НОМИ КОЛХОЗ ДЕҲҚОНЛАРИ ЙИЛЛИК ПАХТА ТАЙЕРЛАШ ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ АДО ЭТДИЛАР. 1800 ГЕКТАР ПАХТА МАЙДОНИГА ДЕҲҚОНЧИЛИК ҚИЛГАН ХЎЖАЛИК АЗАМАТЛАРИ БУ МАЙДОНЛАРДА ЭЗ БЎЙИ ЮҚОРИ ҲОСИЛ ЕТИШ-

тириш учун астойдил тер тўкишди. Ҳар бир ниҳонинг серравж ҳосил бўлиб етилиши учун бутун имкониятларини ишга солишди. Натияжада ҳар гектар ердан олтинга ҳосил 18 центнердан ошди кетди.

Пахтани териб олгунча деҳқонлар қанчадан-қанча матонат

кўрсатдилар. Қилинган меҳнат самараси аниқ бўлди. Бугунги кунгача давлат омибига 3045 тонна юқори сифатли «оқ олтин» етказиб берилди. Ана шундан 1145 тоннаси «зангори кема»лар ёрдамида йиғиштириб олинди.

Атеист лекторлар семинари

Ўзбекистон КП Тошкент об-
ласт комитетининг пропаган-
да ва агитация бўлими янгида
Чирчиқ шаҳрида атеист лектор-
ларнинг уч кунлик семинарини
ўтказди. Семинарда 200 га
яқин киши иштирок этди.

Машгулотларда профессор
А. Ортиқов дин ва черковга
муносабатда КПСС сиёсатининг
назарий асослари профес-
сор Э. Юсупов диний сар-
қитларнинг ишқончилик сабаб-
лари ва уларни йўқотиш йўла-
ри, профессор И. Ф. Копал лек-
торлик маҳорати тўғрисида лек-
ция ўқидилар. Шунингдек,
олимлар ва атеист мутахассис-
лардан Л. М. Кензэр, Ф. Ис-
хоқов, С. И. Гершкович, О. Фа-
ёзов, Ш. Тўлағанов, Т. Мўми-

нов, И. М. Ишченко, И. Фози-
лов ва бошқаларнинг лекция-
лари ҳам динга муносабатнинг
муҳим соҳаларига қаратилди.

Област партия комитети
пропаганда ва агитация бўли-
мининг муdiri Ш. Тошқулов
ва лекторлар гуруҳининг бош-
лиги Т. Салоҳиддинов атеистик
ишларни уюштиришга доир
амалий масалалар тўғрисида
гапирдилар. Шундан сўнг ате-
ист лекторлар ўзаро тажриба
алмашдилар.

Семинар иштирокчиларига
илмий атеистик темалардаги
кинофильмлар кўрсатилди.

Қ. ЭРГАШЕВ.

Тошкент об-ласт партия
комитетининг лектори.



БЕШЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

МАРКАЗИЙ В. И. Ленин му-
зейининг Тошкентда қўриқлаб-
тирлаштирилган филлини кўриш-
мақомда бўлиб қўйилди. Бу муқад-
дас объектнинг қўриш ишлари ҳамон
жадал борапти. Юзлаб бинокор-
лар, монтажчилар ўзаро мусобақа-
лашиб ишлаш тўғрисида меҳнатда
юксак кўрсаткичларга эришмоқда-
лар. Ушбу суратдаги (чапдан
ўнгга) В. Лотник, Н. Тихонов,
Ю. Адамов, Е. Платников ўртоқ-
лар пешкадам монтажчилар сафи-
да боришяпти. Улар нормани
дом 130 процент ва ундан ҳам
ошириб адо эттишмоқда.

А. Тўраев фотоси.

МАРКСЧА - ЛЕНИНЧА ФАЛСАФА — КОММУНИЗМНИНГ ҒОЯВИЙ ПОЙДЕВОРИ

Инки соатга мўлжалланган би-
ринчи машгулот лекциясининг
асосий мақсади — курснинг энг му-
ҳим масалалари, фалсафани ўр-
ганиш принциплари ва қондаларини
сода, ишонарли қилиб тушуни-
риб беришдан иборат.

Пропагандист дарслик ва бош-
қа зарур адабиётларни тавсия
этиб бўлган, лекциянинг асосий
мазмунини изоҳлашга ўтди. Те-
мани қўйидаги план асосида ўр-
ганиш мумкин.

1. Фалсафа нимадан баҳс эт-
ди?

2. Фалсафанинг асосий маса-
ласи ва унинг икки томони.

3. Диалектика ва математика —
билишнинг бир-бирига зид икки ме-
тоди.

4. Фалсафада революцион тў-
тариш.

5. Марксча фалсафанинг ижо-
дий характери ва партиячилиги.

6. Марксча-ленинча фалсафани
ўрганиш нима учун керак?

Фалсафа юнонча φηλο (филосо-
фия) — софос (донолик) сўзларидан
келиб чиққан бўлиб, доноликни
севиш, дошмандлик деган маъ-
ноларни англатади. Бу фақат
фалсафанинг дугавий маъноси бў-
либ, у фанининг мазмунини, вазифа-
сини аниқ ифодаламайди.

Фалсафа ўз тараққиётининг
турли босқичларида турли маса-
ладини ўрганиб келган. Дастлаб-
ки пайтларда фалсафа ҳозирги
вақтда махсус фанлар сифатида
ажралиб кетган кўпгина пробле-
маларни ўз ичига олган эди.
Аммо, фалсафа баҳс этакдан
мавзунини тушуниш қаранча ўзгар-
гани билан, уни қизиқтирган асо-
сий масалалар ҳамisha дунёча
рашнинг туб масалалари бўлиб
келди. Фалсафа «Бизни қуриш-
турган дунё нима?», «Бу дунё
абдий мавжудми ёки биров бир
йўл билан пайдо бўлганми?», «Дун-
ёда инсон қандай ўрнини эгаллаб
турибди?», «Онг нимадан иборат
ва бу онг дунёга қандай қарай-
ди?» — деган қатор саволларга
жавоб беради.

Марксча-ленинча фалсафанинг
бошқа-конкрет фанлардан фарқи
нимада? Конкрет фанлар табиат
ва жамиятнинг у ёки бу соҳасини
ва шу соҳаларга тааллуқли қону-
нларни ўргатади. Фалсафа та-
биат, жамият ва киши тафаккури
тараққиётининг энг умумий қону-
нларини ўргатадиган фандир. Юқо-
ридаги фикрлар аниқ мисолларда
биринчи катта таассурот қолди-
ри. Учрашувда район прокуро-
ри ўртоқ О. Тўлағанов жино-
ятчиликка қарши курашда тер-
гов органлари ходимлари олиб
борётган ишлар ҳақида сўзлаб
берди.

Шундай қилиб, кўрашмики, фал-
сафа олам тўғрисида умумий та-

Партия маорифи системасининг марксизм-ленинизм асослари
мактабда янги уқув йилида марксча фалсафа асосларини ўргату-
чи тингловчилар сони анча ортди. Тингловчиларнинг бир қисми ди-
алектик материализм, яна бир қисми тарихий материализмни ўр-
ганишга киришди.

Кўпчилик пропаганда ва тингловчиларнинг истагини ҳисобга
олиб, биз бундан буён уларга муҳим темалар юзасидан методик ёр-
дам тариқасида маюлалар бериб борамиз. Бугун ана шу маюла-
лардан биринчисини эълон қилаётимиз. Уни об-ласт ва Тошкент
шаҳар партия комитетлари сиёсий маориф уйининг фалсафа сек-
си тайёрлаган.

савури берувчи дунёқараш харак-
терига эга бўлган фандир.
Дунёқарашнинг (фалсафанинг)
асосий масаласи тафаккурнинг
борлиққа, руҳнинг табиатга муно-
сабати масаласидир. Бу масала
фалсафадаги асосий масала экан-
лигини сабаби шунки, бу маса-
лага беришдан жавобга қараб,
бошқа барча фалсафий пробле-
малар: дунёнинг бирлиги, дунёнинг
тараққиёт қонуналарининг харак-
тери, дунёни билишнинг моҳияти
ва унинг йўллари — ва ҳоказолар
тўғрисидаги проблемалар ҳал
этилади.

Асосий масалани қандай ҳал
этишларига қараб, фалсафий таг-
лимотлар икки йўлга: матери-
ализм ва идеализмга бўлинади.

шунинг учун ҳам реакцион куч-
лар томонидан барча илгор, про-
грессив нарсалар қарши курашда
фойдаланилади.

Кириш лекцияда қўриқлаб-
тирлаштирилган филлини кўриш
масалалар жуда кўп, лекин про-
пагандистнинг вақти чекланган,
шунинг учун айрим масалалар
ҳақида (кейинги темаларда яна
тилга олиниши ва чуқурлаштириб
баён этилишини эслатиб) қисқача
тўхтаб ўтишга тўғри келади.

Маркс ва Энгельс XIX асрдаги
табиий илмий кашфиётлардан
фойдаланиб, асоси, метафизик ма-
териализмни тубдан қайта ишлаб
чиқдилар, материализмни диалек-
тикага қўшибди ва диалектик
материализмни яратдилар. Дунёни
ўзгаришнинг назарий қуроли
бўлган диалектик материализм-
нинг яратилиши фалсафий фикр-
нинг бутун тарихи мобайнидаги
энг катта ютуқ, фалсафадаги ре-
волюцион тўғариш эди.

Маркс ва Энгельс диалектик
материализм қонуни-қондаларини
жамиятга тадбиқ этиб, тарихий
материалистик тушунишга асос
солдилар, бу ҳам улар фалсафада
қилган революциянинг ифодаси
эди.

Марксизм фалсафанинг кучи
ва ҳаётчилиги, унинг жамиятни

теварак-атрофдаги воқеликни тў-
ғри илмий тушунишдан ва уни
революцион тарзда ўзгаришдан
манфаатдор бўлган бирдан-бир
синфдир. Шунинг учун марксча-
ленинча фалсафада партиячилик
чинокам илмий объективлик би-
лан тўла ва батамом мос келади.
Ўз фалсафасининг партиячили-
гини яширувчи буржуа идеолог-
лардан фарқли ўлароқ, марксча-
ленинизм асослари фалсафанинг
партиячилиги принципини рўйс-
роқ тан оладилар ва уни ҳимоя
қиладилар.

Фалсафа ҳақида озми-кўпми
умумий маълумот беришга, энди
унинг аҳамияти, нима учун керак-
лиги ҳақида фикр юритиш мум-
кин.

Марксча-ленинча фалсафа капи-
тализмнинг ҳалок бўлиши ҳамда
янги социалистик тузумнинг га-
лаба қилиши муқаррарлигини на-
зарий жиҳатдан асослаб, соци-
ализм ва коммунизм куриш йўла-
ри ва воситаларини кўрсатиб бе-
ради.

Марксча-ленинча дунёқарашни
пўхта билиб олган ҳар бир киши
фақат ишчилар ишнинг ҳақо-
нийлигигагина эмас, балки соци-
ализмнинг бутун дунёда келажак-
да галаба қозониши тарихий жи-
ҳатдан зарурлигига ҳам ишонч
ҳосил қилади. Марксча-ленинча
назарини билиб олиш марксчи
партияларнинг ҳозирги замондаги
мураккаб вазиятни тушуниш ва
шунга мувофиқ энг муҳим вазифа-
ларини аниқлаб олишларига, бу
вазифаларни ҳал этишнинг энг
самарали йўллари қилириб то-
пишларига ёрдам беради.

Илмий билимлар тараққиёти ва
жаҳон тарихининг ривожланиши.
Улут Октябрь социалистик ре-
волюциясининг галабаси, мамла-
катимизда социализмнинг тўла ва
ушқинсиз галаба қилишнинг,
жаҳон социалистик системасининг
барпо қилиниши, СССРда комму-
низм куриш ва ҳалқ демократия-
си мамлакатларда социализм
куриш ишларининг муваффақият-
ли амалга оширилиши — буларнинг
ҳаммаси марксча-ленинча фал-
сафанинг бирдан-бир ҳаққоний таъ-
лимоти эканлигини тасдиқлайди.

Пропагандист тематга тайёр-
лар қўришда қўйидаги адабиётлар
дан фойдаланиши мумкин.

1. К. Маркс. Фейербах тўғри-
сида тезислар.

2. К. Маркс. Сиёсий иқтисод
таълиқига доир. Сўзбоси.

3. Ф. Энгельс. Социализмнинг
утопиядан фанга тараққиёти.

4. Ф. Энгельс. Людвиг Фейер-
бах ва немис классик философия-
сининг охири.

5. В. И. Ленин. Материализм
ва эмпириокритицизм.

6. В. И. Ленин. Карл Маркс.

7. КПСС Программаси.

8. Коммунистик ва ишчи пар-
тиялар 1969 йил халқаро Кенга-
шнинг ҳужжатлари.

Пропагандист билимлари ва
қизиқишларини ҳисобга олиб, шу
адабиётлардан айримларини (бет-
ларини кўрсатиб) тингловчиларга
ҳам тавсия этилиши лозим.

Х. ЖАЛИЛОВ,
фалсафа фанлари кандидо-
ти, доцент.

ЗАРЬДОР БУНЁДКОРЛАР

Баҳор кўнлари эди. Шива-
либ ётқан ёмғир тинди. Ҳозир-
гина кўз ёшларидек беҳисоб
томчиларни заминга ташлаган
булут тоғ томон сузмоқда. Ос-
мон гўмбазидо пайдо бўлган
ўқ ёй нурлари ер билан туташ-
гандек туюлади. кишига. Май-
салар яна жонланди, табиат
армунидан хурсанд, у ўз
хусини кўз-кўз қилди.

— Қани, азаматлар, ҳаво-
га!

Бу Ҳожи ақанинг овози эди.
Вақтинчалик қўрилган ишчи-
поначадан қурувчилар гурр
этиб туришди-да, иш жойлари
томон кетишди.

Саминг чўқур бир тин олган-
ча ўрнidan кўзголдди. Қайта-
чи фикр-ўйи, келажакдаги маъ-
садлар ўлантириб қўйган эди,
уни.

Самингжон, сенга нима
бўлди? Бойдан бери кузатаман,
фақат ҳаёл сураясанми? — деди
Ҳожи ана унга яқинлашган
экан.

— Уста, ишни эплай олар-
миканман?

Унинг саволига уста:
— Ҳа, эплайсан, бўтам! Эп-
лайсан! Ишчим комил. Ҳо-
зи қўйинг ишга келиб қолди,
ўргатилсан. Кейинчалик ўзинг
ҳам ўргатасан! — деди.

Бу гаплар шогирд кўнглини
тоғдан кўтариб юборди... Ана
шу воқеага ҳам йигирма йил
бўлибди.

1948-йил, 20 ёшли Саминг-
жон Ҳожи ана Қосимовга шо-
гирд бўлиб, қурилиш майдони-
га қадам қўйди. Ушанда пой-
тахтинининг Оқол маҳалла-
сида мактаб қурилаётган эди.

— Уша кезларда ҳозирги-
га ўхшаш қанлар, механизатор
ҳаёда дейсиз, — ҳикоя қилди
Самингжон биз билан суҳбат-
да, — Деярли барча юмушлар
қўлда бажарилад эди. Ишни
пўхта бажариб, сузатиш пай-
тирмаслик бизнинг ширинимиз,
дастуримиз бўлган.

Орадан бир йил ўтди. Са-
мингжон Саторров 1949 йилдан

бошлаб бригадига бошлиқ қи-
либ тайинланди. Ҳозир-
«Тошкент» меҳмонхонаси,
Марказий университет, Ўзбеки-
стон Фанлар академиясининг
Беруний номидаги Шарқшунос-
лик институти, «Билим уйи»...
Эҳ-ҳе, Самингжон Саторров бри-
гадаси аъзолари бунёд этган
улкан бинолар жуда кўп. Улар
шаҳримиз ҳуснига-ҳусни қўшиб
турибди.

Интитланга толе ёр, дейди
халқимиз. С. Саторров олди
шогирдидан бригада бошли-
ғига бўлган шарафли йўлни
босиб ўтди. Бугунги кунда пой-
тахт бинокорлари унинг номи-
ни ҳурмат билан тилга олиша-
ди.

Ҳозирча партия ва ҳукума-
тимиз тажрибали ва ушбу
бунёдкорнинг меҳнатлари-
ни муносиб тақдирлади. Унинг
қўлида Меҳнат Қизил Байроқ
ордени порлаб турпти.

Шунингдек, С. Саторров Ўз-
бекистон ССР Олий Совети
Президиумининг Фахрий ерли-
ги, «Тошкент қурувчиси» кў-
рак нишонини ҳамда трестнинг
қатор Фахрий ерлиқлари билан
мукофотланган.

...Пойтахтимиз марказида
ақойиб замонавий бинолар қад
ростлашти. Табаррук В. И. Ле-
нин номи билан аталадиган му-
зей қурилишида эса иш авжи-
да 1-пардозлаш трестининг 20-
босқармасидан С. Саторров
етакчилиги қилётган бригада
аъзолари ҳам шу ерда ишлай-
пти. Коллектив коммунистик
меҳнат бригадаси деган юксак
номга эга. Аҳил бинокорлар
ойлик ва квартал планларини
ошириб бажаришга эришмоқда-
лар. Улар асосан музей полла-
рига ва юқори қаватларга гран-
ит плиталарини ётқизишмоқ-
да. Бригаданинг Ғ. Боситов, М.
Шарипов, А. Шукров синга-
ри аъзолари кунлик нормалари-
ни 130—150 процентдан адо
этиб, социалистик мусобадада
пешкадамлик қилишмоқда.

Х. СУЛТОНОВ,
Э. Тўлағанов.

КАСБГА МЕҲР

«Меҳнат-меҳнатнинг тағи ро-
ҳат», — дейди халқимиз. Бу
нақдда жон бор, албатта. Абду-
манноп ҳам ҳалол меҳнат қи-
либ кам бўлгани йўқ.

Тошкент трактор-йиғув заво-
дига ишга келганда у ёш бола
эди. Ушандан бери мана салкам
ўн йил ўтди.

Биринчи иш бошлаган кун
худди кечагидек эсда. Станок-
да тахта қирқабган, уни ран-
далаётган қажон ишчиларни
кўриб: «Мен ҳам шуларга ўх-
шаб ишлай олармиканман?» де-
ганди.

Ушанда Абдуманнопни цех-
нинг кекса ишчиларидан ҳисоб-
ланган Вениамин Иванович Са-
вухинга шогирдликка бериш-
ди. У ўз ишини ақили билан
ишчига шогирд тушгандан ху-
санд бўлди.

Эндилкида эса у уста дурал-
гов, бутун корхонага довури
кетган.

Ўз касбинини пўхта билган
Абдуманноп Муталовни бри-
гадир қилиб тайинлашганда у

дастлаб қийналди. Лекин бри-
гаданинг тажрибали ишчилари
ёрдимида меҳнатни пўхта таш-
кил этиш ишчи юришиб кетди.

«Ҳамма бир киши учун —
бир киши ҳамма учун!» — бри-
гада ақлининг шiori ана шун-
дай. Бригада аъзолари орасида
унинг таълиминин олган шогирд-
лар тобора кўпаймоқда: Тўла-
ган Турсунов, Содикжон Аши-
ров, Дюнобжон Халилов, Ёлдо-
лов Турсунов ва Азиз Ваҳо-
бов.

Ҳозирги пайтда бригада
аъзолари доҳимиз В. И. Ле-
ниннинг юбилей медалини олиш
учун курашмошмоқда. Шунинг
учун ҳам ўн бир ойлик план
ортини билан адо этилди. Но-
дир ойда махсуслаб тайёрлаш
тошпиринини муудатдан олдин
бажарган ишчилари учун уларга
пўл мукофоти берилади.

Меҳнат бригадир жамоат иш-
ларида ақил қатнашган немоқ-
да. У тўрт йилдан буён тек на-
саба союз комитетининг раис.

Ш. ШОАЛИМОВ.

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Яқинда Калинин район со-
вет қонуничи органлари мас-
ластул ходимларининг Ленин
ва Киров қишлоқ Советлари
меҳнатчилари билан ўтказган
учрашулари кеча қатнашчи-
ларидо катта таассурот қолди-
ри. Учрашувда район прокуро-
ри ўртоқ О. Тўлағанов жино-
ятчиликка қарши курашда тер-
гов органлари ходимлари олиб
борётган ишлар ҳақида сўзлаб
берди.

— Районимизда — деди у,
— инноват ишлари сони йилдан-
йилга камайиб бораётгани ку-
вончидир. Лекин, майда жино-
ятчилар эса камайяпти, деб
бўлмайди. Ёшлар орасида бе-
зорилик, жамоат тартибини бу-
зиш ҳоллари оз бўлсада ҳамон
учраб турипти. Бунинг сабаби
жойларда, яъни кўлхўз ва
совхозларда ёшлар тарбиясига
етарли аҳамият берилмайти-
ди. Клублар, маданият уйла-
ри, кинотеатрларда тарбиявий
темаларда суҳбат ва кечалар
тез-тез ўтказилмайдиган. Ёшлар-
нинг маданий дам олишлари
учун етарли ғамхўрлик қилин-
майтиди. Натияжада баъзи ёш-
лар буш вақтларини қўнғили
дам олиш билан эмас, балки қў-
чаларда беҳуда ўтказиб,
жамоат тартибини бузишга йўл
қўймоқдалар.

Шундан кейин халқ суди-
нини бош судьяси ўртоқ А.
Шомиров СССР Олий Совети
Президиумининг оила ва никоҳ
ҳақидаги қонуни ҳамда унинг
амалда қандай қўлланилаёт-
гани тўғрисида гапириб берди.

— Совет оиласи, — деди
ўртоқ А. Шомиров жаҳонда
энг маданиятли ва онгли оила
ҳисобланади. Янги қонунга қў-
ра маданиятли оила кўрмоқ
учун бўлажак эр ҳам, хотин

ҳам соф ниятли, бир-бирига са-
доқатли бўлмоғи керак, улар
орасидан бир-бирига бўлган
меҳр, оқибатини синаш мақсади-
дан никоҳдан бир ой илгари
ҳар икки томондан ариза қабул
қилиниб, кейингина рўйхатга
олинади.

Район-ички ишлар бўлими
бошлигининг ўринбосари ўртоқ
С. Топилов, безорилик ва жа-
моат тартибини бузиш каби
майда жиноятлар кўп ҳолларда
ёшлар ўртасида содир бўлаёт-
ганини ҳақида афсусланиб га-
пирди. Нима учун шундай?
Чуноки ёшларни ўраб турган
муҳит, яъни биринчи галда ота-
она, қолаверса уларнинг ҳа-
ти-харақатини кузатиб юрган
ҳамқишлоқлари уларни тартиб-
га қақиримайди? Халқимизда
бир мақол бор. «Ниҳонли ёш-
лигидан парварши қилмасанг,
эгри ўсади». Ўспиринлар-

нинг маънавий бузилишига
биринчи галда атрофдаги
муҳит ҳам сабабчидир. Улар
ёшлардан тўғри тарбияла-
ниб, тўғри йўлга солинганда
эди, бундай кўнглисиз воқеалар
содир бўлмасди.

Шунингдек учрашувда рай-
он социал-таъминот бўлими
ходими Салима Адашева йи-
гиланларни партия ва ҳуку-
матимиз кўрсатаётган социал
ёрдам ҳақида маҳаллий факт-
лар билан қизиқарли қилиб
сўзлаб берди.

Учрашув охирида деҳқонлар
билан ҳуқуқшунослар ўртасида
савол-жавоблар бўлиб ўтди.
Ҳуқуқшунослар йиғилиш қат-
нашчиларини қизиқтирган ҳар
бир саволга сода ва аниқ
жавоб беришди.

А. ҚУРБОНОВ,
Б. САФАРОВ.

нинг маънавий бузилишига
биринчи галда атрофдаги
муҳит ҳам сабабчидир. Улар
ёшлардан тўғри тарбияла-
ниб, тўғри йўлга солинганда
эди, бундай кўнглисиз воқеалар
содир бўлмасди.

Шунингдек учрашувда рай-
он социал-таъминот бўлими
ходими Салима Адашева йи-
гиланларни партия ва ҳуку-
матимиз кўрсатаётган социал
ёрдам ҳақида маҳаллий факт-
лар билан қизиқарли қилиб
сўзлаб берди.

Учрашув охирида деҳқонлар
билан ҳуқуқшунослар ўртасида
савол-жавоблар бўлиб ўтди.
Ҳуқуқшунослар йиғилиш қат-
нашчиларини қизиқтирган ҳар
бир саволга сода ва аниқ
жавоб беришди.

А. ҚУРБОНОВ,
Б. САФАРОВ.



ХАТИРА Тожиқ-
жаена Тошкент фарма-
цевтика заводининг
пешкадам ишчилари-
дан бири. У бу даргоҳ-
дан етти йилдан буён
ҳалол меҳнат қилиб
келпти. Меҳнатсепар
ишчи смена нормасини
дом 150 процентга
етказиб бажаради. Су-
ратда: ўртоқ Х. Тожи-
қжаена.

И. Шоноғомов
фотоси.

ҲОСИЛ 32

ЦЕНТНЕРГА ЕТДИ

ОРЖОННИКОВ, (телефон орқали олинди). Даладаги сўғит «оқ олтин» дурдоналарини тезлаштириб олишда Ғайбжон Дусенов бошлиқ бригада аъзолари СоюзНИХИ-да пешқадамлик қилишпти. Улар 63 гектар майдондан 220 тоннадан ортиқ пахта йиғиштириб олишди. Йиллик план 113 процент адо этдилар.

Пахтакорлар сўратга-суръат қўйишмоқда. Даладаги «оқ олтин» мисколарини йиғиб беришда райондаги 3, 23, 28-мактабларнинг ўқувчилари ҳам муносиб ҳисса қўймоқдалар. Ўқувчиларнинг ғайрати билан ҳосилнинг 30 проценти териб олинди.

Бригадада майдонлар пешмаш шудор қилиниб, келгуси йил мўл ҳосилга пухта замин яратиб юзасидан барча агро-техника тадбирлари қўрилоқда.



ОЙБЕК НОМЛИ СОВХОЗДА

БЕКОВОД райондаги Ойбек номли совхоз деҳқонлари бу йил нахадан катта хирмон кўтардилар. Ҳозирги кунда колхоз дала-ларида ҳосилнинг сўғити грамм-лари йиғиштириб олинмоқда. Суратда: юқорида терилган қўсанларини машинада чувиш пайти. Пастда: теримда қўпчиликка ўр-нан кўрсатаётган Ж. Имонова.

Н. Тўраев фотолари.



БАРАКАЛИ ХИРМОН

Далаларда етиштирилган «оқ олтин»нинг сўғити тонналарини териб олиш уюшқоқлик билан олиб борилади. Ҳар бир пахтакор, механизатор ҳозир дала-да.

Колхозимизда пахта йиғи-терими бошланишидан олдин уш уюшқоқлик билан ўтказиш-га қаратилган қатор тадбирлар белгиланди. Механик-ҳайдовчиларга қўлай шартлар яратиш, терим агрегатларини бе-нуқсон ишлатиш таъминлаш асосий вазифа бўлди. Механик-ҳайдовчилар ўртасида соци-алистик мусобақа авж олдириб юборилди.

Бу ишларимиз пахта тайёр-лаш планининг барвақт бажа-рилишини таъминлади. Эл хир-монига пландаги 924 тонна ўр-нига 986 тонна, яъни ҳар гек-тар майдондан 24,3 центнердан ошириб ҳосил тўқиди.

Планини ошириб бажарилиши-да кўпчилик агроучастка ва эвенолар катта ҳисса қўйди-лар. Довбоев бошлиқ агро-участка азаматлари мавсуд 113 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 21 центнер ўрнига 24,4 центнерга етказиб пахта олдилар. Бу планда кўрсатилган 51 тонна кўп. Мирзабек Урабев бошлиқ агроучастка аъзолари ҳам ҳужалигимизда тоғилар

қаторидан ўрни эгалладилар. Улар 128 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 ўр-нига 26 центнер «оқ олтин» ундирдилар.

Ҳужалигимизда Раҳмон Ус-монов, Орол Бердиқулов бош-лиқ участкада меҳнат натижаси айниқса қувончли бўлди. Кас-бига ихлосманд механик-ҳай-довчилар йил бошдан экинни агротехника тадбирлари асоси-да, машина теримига мослаб парварши қилишганлиги учун ҳосилнинг деярли ҳаммаси те-рим агрегатлари бункеридан тўқилди. Ҳосилдорлик бу участкаларда 26—27,1 цент-нерин ташкил этди.

Биз давлатга яна 147 тонна-га яқин «оқ олтин» етказиб бе-ришга қарор қилган эдик. Бу ишни урдалаш борисида тер ту-киб қилаётган меҳнатларимиз шубҳасиз муваффақиятли яку-ланиди.

Ҳужалигимиз деҳқонлари кел-гуси йил мўл ҳосили учун куз-ги-қилиш ишни бошлаб юборди-лар.

Р. РИСКУЛОВ,

Оққўрғон райондаги «Ле-нинизм» колхозининг раи-си.

К. ХАЛМЕНОВ,

колхоз бош агрономи.

ЕР БОЙЛИК МАНБАИ

Яқинда бўлиб ўтган колхоз-чиларнинг Бутуниттифоқ III съезди деҳқончилик маданияти-ни янада юксак даражага кўта-риш, ердан, ўғитдан ва техни-кадан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида аҳамият берди.

Съезд қатнашчилари экин экиладиган ҳар бир қарич ер-нинг унумдорлигини ошириш-ни алоҳида таъкидладилар. Ҳа-қиқатан ҳам ер бизнинг бигнас-тутанмас бойлигимиздир. Ерни қанча ардоқласак, у шунча бе-баҳолиқ, ҳосил қўпайверади.

Биз ҳар йили ернинг шарт-тига қараган ҳолда турли хил-даги экинлар экашим. Деҳқон-ларимиз ўз пахтафаларига куз-дос қўйиб, йил билан турпоқ-нинг унумдорлигини ошириш-га ҳаракат қилишадилар. Шу са-бабли, ҳам ҳар йили деҳқончи-ликдан кўп ҳисса олаётимиз.

Пахтачиларни, сабаботчилик-ни комплекс ривожлантириш йўлида барча агротехника тад-бирларини ишга солишлар. Шу-нинг учун ҳам ернинг муносиб сабабли ҳам ана шундай ютуқ-лар кўлга киритилди. Эндилик-да бутун куч ва эътиборимиз келгуси йил мўл ҳосилга пухта замин яратишга қаратилмоқда.

Эрназаров, Нурилла Баротов-лар бошлиқ эвеноларда етишти-рилган пахта ҳаммани қувон-тирди.

Пахтакорлар билан бирга-ликда сабаботкорларимиз ҳам ишда меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Ҳар бир гектар ердан тўғри фойдаландилар. Турпоқнинг талабига қараб озиклантирилди. Ўсимликнинг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳол-да сугориш ишлари амалга оширилди. Шунинг учун ҳам биз 3170 ўрнига 3710 тонна сабабот — топириб, йиллик планни 116 процент бажар-дик. Ишни лавинча меҳнат бах-тасида ташкил қилган сабабот-корларимиз пландан таъқир 500 тонна сабабот топираш де-йишган эди.

Амалда ҳақ қўшимча 600 тонна топирилди. Сабаботчи-лигини ривожлантиришда Бобо-хўжа Зибеддинов, Тожибой Тўлаганов, Юсуф Сулаймонов ўрқолар раҳбарлик қилган эвеноларда етиштирилган са-бабот анча кўп бўлди.

1969 ҳужалик йилига якун ҳисобимиз. Деҳқонларимизнинг самарали меҳнат қилишлари сабабли ҳам ана шундай ютуқ-лар кўлга киритилди. Эндилик-да бутун куч ва эътиборимиз келгуси йил мўл ҳосилга пухта замин яратишга қаратилмоқда.

Ю. ФАЙЗИЕВ,
Лийғўл райондаги Свердлов
номли колхознинг раи-си.

Т. АХМЕДОВ,
колхоз партия комитети-
нинг секретари.

ҲАМКОР СТУДЕНТЛАР

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти коллективи Мирзачўлда унди-рилган «оқ олтин» дурдоналар-нинг йиғиш-териб олишда жон-бозлик кўрсатаётди. Студент-лар пахта теримида илгорлик-ни қўлга киритиш учун астой-дил ишламоқдалар.

«Зангори кема» капитанлари — студентлардан Қодир Жума-муродов ва Абдулла Хужанов-ларнинг ишлари айниқса таъ-син ўқиса арзийди.

Осмонда булутлар тўдаси туя ўрқачдек сузиб юрди. Шигалаб ёғаётган ёмғир кўп ўтмай эбурди. Бир зумда ивиб кетдик. Ўғатлардан худди сувиқлар тараб қўйгандек сув оқа бошлади.

— Ҳаво бу ерда шунақа экан: жуда тез ўзгаради. Бир соат ичда ҳаво айниди, ём-ғир ёғади, бир соатдан кейин эса қуёш чарақлаб чиқиб ке-тади. Маана, энди уйда бема-дол гаплашиб оламиз, — деди кутубхонашўнослик факульте-ти штабнинг бошлиғи Хусан Файзиев.

— Илгорлар билан таниш-сак, — дедик биз.

— Бизда илгор теримчилар жуда кўп. Акбар Маматов, Турсунбой Бобормуродов, Осён Қўрабоева, Махфуза Исомидди-новалар — 100—110 килограмм-дан пахта, 300 килограммга-

ча етказиб кўрак тараф-лар. Факультет студентлари тер тукаётган совхоз бўлими-нинг бригадалари давлатга пах-та топириш планларини бир-рин кетин адо этмоқдалар... Ҳамма далада. Бутун куч пах-та теримга сафарбар этилган. «Зангори кема»лар ўрнида эн-ди кўрак тарадиган машиналар эгатлар оралаб юрди.

Маана, математика факульте-ти студентлари ишлатган кар-та. Даланинг ҳар ер-ҳар ерида пахта гарамлари уюлиб ётибди.

Факультет декани Азимжон Хикматов математика ва чи-змачилик бўлимининг 3-курс қизлари ва шу бўлимининг 1-курс студентлари меҳнат қила-ётган ерга бошлаб келди.

— Нариги картада, — деди ўртоқ Хикматов, — шу брига-да мусобақаларни ўқитувчи Аскаржон Норматов бошчили-гида ишланаяпти. Ўқитувчи Хушвайт Ботиров раҳбарлик қилаётган математика бўлими-нинг 2-курс студентлари ҳам буш келаётганлари йўқ. 1-курс студентлари — М. Бўрбоев бошлиқ бригада эса яқинда қўй билан мукофотланди.

Институт коллективи ораси-да энг илгор факультетлардан бири табиёт-география ва кишлоқ ҳўжалик асослари фа-культети студентларидир.

— Бизнинг факультетимиз-

да, — деди педагогика-психоло-гия факультетининг декани ўр-тоқ М. Салоҳиддинова, — М. Эргашев, З. Абдуллаева, Р. Тўхтарова, Ш. Шодиева, М. Иноятваларини теримчилар-нинг сардори, десак ҳато қил-маган бўламиз. Улар дастлаб 130 килограммдан ошириб пах-та терилган бўлса, эндиликда 250—300 килограммдан кўрак тараётдилар.

Оланинг тапидан кейин дала-га йўл олдик. Бу ерда М. Эргашев билан учрашдик. Унинг кечати кун теран кўрагини пахтага айлантирсак 130 кило-граммга тенг келади. Шунча «оқ олтин»ни битталаб териш учун тинимсиз ҳаракат қилиш, иродали бўлиш зарур. Мели-қўнда ана шу фазилатлар му-жасамлашган.

Институтимизнинг фило-логия, физика, музикашўно-слик, расм ва чизмачилик фа-культетлари талабалари Р. Пу-лятов, У. Содинов, Л. Пав, Ж. Қосимова, Т. Болтабоев, Д. Но-ровлар ҳам меҳнатда ўзлари-ни кўрсатмоқдалар.

Институт штабига ва бошқа барча факультетларда меди-цина ҳамширалари хизмат қи-ляпти. Улар турар-joyларда ошадик сақлашга эътибор бермоқдалар.

Р. НОРЖИЕВ,

М. ЖУМАБОВ,
Сирдарё областадаги «Фар-гона» совхоз.

МАМЛАКАТЛАР ВА КИТЪЛАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР
МАҚОЛАЛАР
ВОКЕАЛАР

БОШ АССАМБЛЕЯДА

НЬЮ-ЙОРК. 17 декабрь. (ТАСС) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблея-си кечаги яъни мажлисида ушунинг комитетининг докладидан юзасидан куралиш мижозлар даярида исон ҳукукларини ҳи-мо қилиш, тўғрисидаги резо-люцияни маъқуллади.

Резолюцияда, жумладан, бундай дейилади: Бош Ассам-блея Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари-

га бу масалани ўрганиб чиқиш-ни давом эттиришни ва мус-тамакчилар зулми ҳамда чет эл ҳўқоронлиғи остида бўлган халқларнинг озодлик ва ўз тадбирини ўзи белгилаш ҳуқу-қи учун олиб бораётган кура-ши натижасида рўй берадиган мижозларда граждн шахс-ларнинг ҳуқуқларини ҳи́мо қи-лиш зарурлигига алоҳида эъти-бор беришни таклиф этади. Бош

Ассамблея, — дейилади резо-люцияда, — бу масалани ўзи-нинг келгуси сессиясида энг биричи масалалар қаторида қараб чиқишга қарор берди.

Резолюцияни қабул қилишни ёқиб овоз берган давлатлар орасида Совет Иттифоқи ва, бошқа социалистик мамлакат-лар бор. АҚШ, Англия ва Ғарбнинг бошқа давлатлари ре-золюцияга қарши овоз бериш-ди.

АМЕРИКА — ЛИВАН
МУЗОКАРАЛАРИ

ТРИПОЛИ. 17 декабрь. (ТАСС) Америка ҳарбий ҳаво базаларини Ливия-Араб республи-каси территориясидан эвакуа-ция қилиш 12 декабрда, яъни Американинг Улус Ойладоги ҳарбий-ҳаво базасини тутатиш тўғрисида АҚШ билан Ливия ўртасида музокаралар расмий суратда бошланишдан икки кун олдин бошланди. Биричи мажлисдан кейин ЛНА агент-лиги эълон қилган баёнотда шу тўғрисида гапирилади. Эвакуа-циянинг охири муддат ҳали белгиланган эмас.

АВВАЛГИ ЙУЛДАН
БОРИШПТИ

ВАШИНГТОН. 17 декабрь. (ТАСС) АҚШ Мудофаа ми-нистри М. Лейрд кеча Пенсе-гонда ўтказилган маъбуот кон-ференциясида Қўшма Штатлар аввалдагидек бундан буюн ҳам Вьетнамдаги урушга «Вьетнамлаштириш» йўлидан олиб боришга ўр бераётганли-гини яна тасдиқлади. Бу эса амалда Шарқи-жанубий Осиё-даги агрессияни давом этти-ришдан бошқа бир нарсаси. Мудофаа министри ҳукумат Америка қўшинларини Вьет-намдан олиб чиқиш кетиш «жадвали» тузганлиги ҳақида гапирса ҳам, қўшинларни олиб чиқиш кетишининг конкрет му-ддатларини айтиб беришга уна-мади.

АНҚАРА ТУРКИЯ-
НИНГ ЭНГ ГЪЗАЛ
ВА ОБОД ШАҲАР-
ЛАРИДАН БИРИ.
СУРАТДА: АНҚАРА
КЪЧАЛАРИНИНГ
БИРИДА.

В. Соболев фотоси.
(ТАСС).



ЕШ НЕМИСЛАР НОМИДАН

БОНН. (ТАСС). Халқлар фа-лиш устидан қозонилган ғала-банинг 25 йиллиғига байрам қилаётган вақтларида, яъни 1970 йил 8 майда социалистик немис ишчи ёшлари шу кунни Европа хавфсизлиги учун кураш кўни сифатида нишонлай-дилар.


Рўшнинг саноат марказлари-дан бири—Дортмунда бўлиб ўтган социалистик немис ишчи ёшларининг съезди шу тўғрисида қарор қабул қилди.

Съезд В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиғи муноса-бати билан ана шу муҳим во-қеага бағишлаб, Гамбургда халқларо конгресс ўтказишга қарор қилди.

Ўз сафида ўн мингдан ортиқ

еш немисларини бирлаштирган социалистик немис ишчи ёш-лари ўзининг ташкил этилган ку-нидан бошлаб Ғарбий Германия янги нафисига ва милита-ризмга қарши актив кураш олиб бормоқда. Германия Фе-дератив Республикасида соци-алистик немис ишчи ёшларининг 160 дан ортиқ ташкилоти ту-зилган.

Съезд бу ташкилотнинг энг асосий вазифаларидан бири Ғарбий Германиядаги еш иш-чилар, корхоналардаги шогирд-лар, мактаб ўқувчилари ва сту-дентларининг моддий ҳамда иж-тимоий тараққиёти учун кураш олиб боришдан иборат, деб эълон қилди.



РУМИНИЯ. Крайоведаги янги ёнлиги электростанциясининг машина зали. АДЖЕРПРЕСС — ТАСС фотоси.

АҚШНИНГ ВЬЕТНАМДАГИ
СИЁСАТИГА ҚАРШИ

ПРАГА. Журналистлар халқро ташкилот ахборот эълон қилди. Ахборотда Аме-рика империализмининг Вьет-намдаги янги жиноятларига қарши норозилик билдирилди.

Америка солдатлари Вьет-намда қилаётган жиноятлари учун жавобгардирлар, деб таъ-кидланади ахборотда, лекин ана шу жавобгарлик биричи навбатда Американинг ҳўқорон доираларига, Вьетнамда агрес-сия сўбат ўтказиётган Пента-гон вакиллари зиммасига юк-ланади.

БОНН. Нюрнбергда Америка ҳарбийларининг Вьетнамда қи-лаётган жиноятларига қарши норозилик намоиши бўлиб ўт-ди. Намойишчилар кўтариб чиққан транспарантлардан би-рита бундай деб ёзилган эди: «Напалм ишлаб чиқарувчи кор-хоналарни қуриш учун ҳеч қан-дай қарз берилмасин». Ғарбий Германиядаги тинчлик тараф-дорлари қўйи Санкция ўлкаси ҳукуматининг ўз территорияси-да асосан напалм бомбалар иш-лаб чиқарувчи Американинг

«Дуо немикал» концернининг корхонасини қуришга ҳамда шу концерн қурилиши учун 150 миллион марка қарз беришга рози бўлганлигига қарши нороз-илик билдирилди.

Германия Федератив Респу-бликасининг турли шаҳарларида бўлиб ўтган Вьетнамдаги уруш-га қарши норозилик намоиши-лари вақтида полициячилар бил-дан тўқнашувлар бўлиб турди.

САНТЪЯГО. Чили пойтахти-даги уйлarning деворларида «Исоният ҳеч қачон унутмай-ди», ҳеч қачон кечирмайди», «Биз америкаликларнинг Вьет-намда қилаётган ваҳшийликла-рига қарши норозилик билдири-миз» деган ёзувлар пайдо бўл-ди. Чили халқи Қўшма Штат-лар ҳарбийларининг Вьетнам-нинг аҳолисига қарши қилаёт-ган жиноятлари муносабати бил-дан ўз қаҳр-газабларини бил-диримоқда. Сонгми жамоаси аҳолисини қўриб ташлашда айбдор бўлган кишиларнинг жазоланишини талаб этмоқда.

(ТАСС).

ПАРТИЗАНЛАР
ҲАРАКАТИ

БАЙРУТ. 17 декабрь. (ТАСС) Араб ватанпарварлари исроиллик босқинчиларга зарба беришни давом эттирмоқдалар.

Бирлашган Фаластин қўмон-донлигининг Ливан пойтахтида эълон қилинган ахборотда бундай дейилади: «Фатх» та-шкilotининг партизан отрядлари 15 декабрда Исроилнинг Тузо-кмавия районида (Йордан дарё-си водийсининг шимолий қис-ми) ва Ал-Кунейтра шаҳри-нинг (Голан тепаликлари) шар-қи-шимолида жойлашган мус-тахкамланган пунктларга қўқ қисдан ҳужум қилдилар.

Партизанлар, дейилади ахбо-ротда, Бейсан шаҳрини ҳам (Йордан дарёси водийси) мино-китлардан ўққа тугдилар. Бу шаҳардан баъзан муҳим обь-ектларда катта ёнғин чиқди.

Бу операциялар натижасида душманнинг аскарлари ва тех-никасига катта талафот етқа-зилди.

Ахборотда айтилишича, опе-рацияларда қатнашган барча партизанлар ўз базаларига омон-эсон қайтиб келганлар.

ЕВРОПА БИЛАН ОСИЁ УРТАСИДА
КЎПРИК

АНҚАРА. 17 декабрь. (ТАСС). Европани Осиё билан боғлайдиган биричи кўприк Истамбул рай-ониди Босфор орқали қурилади. Туркия жамоат иш-лари министри Тургут Гюлез айтдики. 1650 метр узунлиқдаги ана шу кўприк қурилиши 1973 йилда таъомланади. Кўприкдан бир кечаю-қундузда 22 минг автомашина ўта олади.

Бу кўприк Олтин шоҳ кўрфазини орқали ўтадиган шундан кичикроқ ҳажмдаги йўл ва кўприкларни ўз ичига оладиган катта комплекснинг бири қисми бў-лади. Бўтун лойиҳани рўбга чикариш учун 180 миллион доллар сарф қилиш мўлжалланади. Туркия шундан 50 миллион долларни чет эллардан қарз та-риқасида олиш ниҳтидадир.

ГРИПЦ КАСАЛИ АВЖ ОЛИБ КЕТДИ

ЛОНДОН. 17 декабрь. (ТАСС). Рейтер агентли-ги мухбирининг Анкарадан хабар беришича, Евро-пада бошланган юқимли грип касали Туркияга ҳам тарқалган. Туркия соғлиқни сақлаш министри Ве-дат Али Озкан мамлакатнинг неча минглаб аҳолиси шу касалга дучор бўлди, деди.



Америкача тенглик.

А. Холиқов чизган расм.

